БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 16 (4414).
20 ЯНВАРЬ, 1981 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Доғистоннинг ишчилари, колхозчилари, зиёлиларини, барча меҳнаткашларини Доғистон автоном Совет Социалистик Республикаси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги муносабати билан қизғин қутлайдилар ва муборакбод этадилар.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика министрликлари ва идораларининг ёрдамчи қишлоқ хўжаликларини ривожлантириш юзасидан 1980 йил тўртинчи кварталдаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Мусобақа якунларига кўра Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасига қарашли Октябрь ошхоналар трести ёрдамчи хўжалигининг коллективи (трест директори ўртоқ Низомов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Тўлаганов, бирлашган касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Акбаров) Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди.

Ун биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида ўтган йилга нисбатан 650 минг сўмлик маҳсулот кўп ишлаб чиқарамиз — «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг режалари ана шундай. Мазкур корхона кенг истеъмол буюмлари — миллий ўзбек кўйлаклари, чопон, болалар учун кўйлак ва мактаб формаларини ишлаб чиқаради.

Шу кунларда корхонанинг тажриба цехи баҳор-ёз мавсуми учун мўлжалланган янги фасондаги болалар кийимларини тикишни ниҳоясига етказди.

СУРАТЛАРДА: юқорида — пешқадам тикувчи Гулсора Оқилова; пастда — бирлашманинг янги агрегат-группа потоги.

Р. Шамсутдинов фотолари, (ЎзТАГ).

XXVI

Биринчи квартал плани—КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача

КПСС XXVI съезди делегатлари

ЙИЛЛАР ИШЧИ ТАҚДИРИДА

— Қувончим чексиз,—дея дилидагини тилига чиқарди суҳбатдошим — В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари Назрулла Маннопов. — Йиллар ишчи тақдиримга ўзининг фахрли тамғасини босмоқда. 1959 йили партия сафига қабул қилиндим. 1962 йилда «Ҳурмат белгиси», 1971 йилда Октябрь Революцияси, 1977 йилда эса Ленин орденлари билан мукофотландим. 1975 йили Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатликка сайландим. Икки марта ВЦСПС аъзоси бўлдим. Мана менга яна катта ишонч билдириб, КПСС XXVI съездига делегат қилиб сайландим...

Мендек бир оддий ишчининг камтарона меҳнати партия ва ҳукуматимиз, халқимиз томонидан юксак баҳоланмоқда. Бунинг учун партиядан, Ватандан, халқимдан ғоятда чексиз миннатдорман. Ватаннинг индустриал қудратини мустаҳкамлаш, элимнинг фаровонлигини ошириш учун бор куч ва ғайратимни аямайман...

Ҳа, бу ишчининг, оддий совет ишчисининг содда, беғубор ва самимий дил сўзларидир. Мамлакатимизда кимки ҳалол меҳнат қилса, у қадр топади, обрў ортиради, элга танилади. Назрулла Маннопов ҳам ана шундай ҳалол меҳнати билан бахт топаётган миллион-миллионларнинг биридир.

.. Назрулла цехга ишга келганида, эндигина Совет Армияси сафида хизмат қилиб, куч-қувватга тўлиб қайтган кам-суқумгина йигитча эди. Ўткир нигоҳли шундоққина бу йигитнинг сергайратлиги вужудидан билиниб турарди. Ундаги бу ҳислатларни дастлаб йиғувчи-слесарь Собир Тўхтаҳўжаев сезди ва йигитни синаш оҳангида шундай деди:

— Ука, бизда иш жуда оғир, уддалай олармикинсиз?

— Одам қилган ишни одам боласи уддалайди, дейдилар. — Хавотир олманг, бўш келмаймиз.

Назрулланинг дадил ва лўнда жавоби тажрибали ишчини қаноатлантирди шекилли, у мийигида кулиб, деди:

— Баракалла, кўзларинг айтиб турибди, меҳнатдан қочмайсан...

Шу-шу бўлдию, Назрулла цехда иш бошлаб юборди. Ишчиликнинг темир қонуни — шогирдлик босқичини ҳам тез кунда босиб ўтди.

— Назрулламиз тузук чиқиб қолди, — деди С. Тўхтаҳўжаев устозлари И. Ошчетковга.— Энди разрядга ўтказсак ҳам бўлади. Нормасини ҳам ошириб уддалаяпти, ишининг ҳам сифати яхши...

Назрулла Маннопов нинг дастлабки қадами ана шундай бошланди. У самолётнинг мураккаб бўлган қисми шассисини йиғиш ишига қатъий, сидқидилдан киришиб кетди. Дастлаб, мураккаб бўлган узелларни йиғишда у қийналди. Лекин иккиланмади, устозлари унга далда берди. Бир сўзли Назрулла ўз устида тинмай ишлади, ўрганди, ўқиди. Ишга ижодий ёндошди. Ўша йиллари 1955—56 йилларда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта маълумот олди. Сўнгра эса самолётсозлик техникумини тамомлади.

— Илгари тажрибамга суянган бўлсам, маълумот олгач ҳам тажрибамга, ҳам билимимга таянадиган бўлдим. Чизмалар асосида узел ва деталларни тез ва чаққон йиғишга улгура бошладим, — дея эслайди Назрулла Маннопов ўша дамларни.

Н. Маннопов ҳар куни ишга ярим соат вақтли келади. Аввал ўз иш жойини тайёрлайди, керакли асбоб-ускуналарни тахт қилади, чизма ва технология билан танишиб чиқади, операцияларни бир бор ҳаёлан эслайди, сўнгра эса ишига киришади. Агар иш жараёнида бошқа бир узелни йиғиш кейинга қолдирилса у дарҳол иккинчи бир операцияни бажариб туради.

— Вақт, — дейди КПСС XXVI съезди делегати Назрулла Маннопов, — ишчи учун энг муҳим омилдир. — Фақат у ундан оқилона фойдаланиши керак. Албатта тажриба, билим, маҳорат— буларнинг ҳаммаси вақт билан омухтадир. Вақт ўтиши билан тажриба ҳам, маҳорат ҳам ошиб бораверади, лекин билим олишни ҳам унутмаслик керак.

Назрулла Маннопов ўз сўзида қатъий ғурадиган йигитлардан. У бирор нарсага аҳд қилдими, демак уни бажаради. Чунончи, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажаришга бел боғлаган эди. Ўз сўзининг устидан чиқ қанлиги тўғрисида, яъни икки беш йиллик топшириқни бажарганлиги тўғрисида ўтган йилнинг биринчи ноябри куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ва шахсан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовга рапорт берди. Куни кеча эса у яна бир ташаббус бошлади. Пойтахт саноат корхоналарининг бир қатор илғорлари билан биргаликда КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача 1981 йилнинг биринчи квартал планини бажаришга аҳд қилди.

— Партиямизнинг бўлажак съездини муносиб кутиб олиш ҳар бир коммунист, ҳар бир совет гражданининг шарафли бурчидир, — дейди партия XXVI съезди делегати Н. Маннопов. — Бунинг учун резервлардан вақтдан, илғор иш усулларидан унумли фойдаланиш керак.

Изланиш бу Назрулла Маннопов нга хос хусуснят. У доимо ҳаракатда. Биз аминмизки, илғор ишчи, жонкуяр мураббий, коммунист, рационализатор, «Ўз касбининг устаси», тўққизинчи ва ўнинчи беш йиллик зарбдори, КПСС XXVI съезди делегати Назрулла Маннопов нинг меҳнат фаолияти биографияси янада бойиб бораверади.

Т. ТОШЕВ.

ЖОНКУЯРЛАР

БУГУН

подшипник ремонти заводи саралаш цехининг сараловчиси, коммунист М. Тўйчиева ўн биринчи беш йиллик иккинчи кварталининг апрель ойи ҳисобига меҳнат қила бошлади. М. Тўйчиева олти йилдан бери мазкур цехда ойлик ва квартал планларини 120—125 процент адо этиб келмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдори бўлмиш бу ишчи цехда ўнлаб йигит-қизларга мураббийлик қилиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатади, касб сирларини ўргатишда кўмаклашади.

— Заводимизда — дейди партия комитетининг секретари М. Поздне. — Муяссарга ўхшаган жонкуяр коммунистлар кўплаб топилади. Ана шу жонкуярларнинг фидокорона меҳнати туфайли коллективимиз КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини меҳнатда муносиб тухфалар билан кутиб олишда юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқда.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ЭРДЭНЭТ — ОЛМАЛИҚ БИЛАН БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАР

Олмалиқ делегацияси Монголия Халқ Республикасининг Эрдэнэт шаҳрига бориб келди. У ерда иккита бродарлашган социалистик шаҳар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди. Сафар вақтида олмалиқликлар Монголи-Совет мис-молибден кон бойитиш комбинатининг иши билан танишдилар, бирғаликда социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

ҚУРИҚДА ТАЙЁРЛОВ ПУНКТИ

Қуриқдаги «Найман» совхозида қурилган янги тайёрлов пункти Поп районидаги хўжаликлар етиштирган «оқ олтин»ни бу йил кузда қабул қилиб олади. Шу билан Наманган областидаги тайёрлов пункти 42 та бўлади. Йиғим-терим айни авж олган пайтда тайёрлов пунктлари бир кеча-кундузда 20 минг тоннадан ортиқ пахтани қабул қилиб оладилар.

ЯНГИ СУТ ЗАВОДИ

Мирзачўлнинг марказидаги Гулистон шаҳрида янги сут заводи ишга туширилди. Завод бир сменада 30 тонна маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу ерда сузма, қаймоқ, қатиқ ва бошқа маҳсулотлар тайёрланадиган серунум асбоб-ускуналар монтаж қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛЛАРИДА «ТАТРА» САМОСВАЛЛАРИ

Ангрендаги 7-автобазага Чехословакиянинг Копрживница шаҳрида тайёрланган «Татра — 148» маркали 15 тонналик карьер самосвалларидан колоннаси етиб келди. Ангренлик шоферлар Чехословакия автомобилсозлари билан илгаридан дўстлик алоқалари боғлаганлар. Дастлабки «Татра» машиналари Ўзбекистон йўлларида бундан 15 йил илгари пайдо бўлган эди. Ҳозирги вақтда республикамизда уларнинг сони юздан ортиқдир.

(ЎзТАГ).

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

ШАҲАР ПАССАЖИР АВТОТРАНС ПОРТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ ПАРТИЯ-ХУЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

Пассажир транспорти хизмат кўрсатишнинг муҳим тармоқларидан бўлиб, кўпчилик шаҳарликларни қизиқтиради. Бир кунда унинг хизматидан бир миллионга яқин, яъни ҳар икки тошкентликнинг бири фойдаланаётганлигини айтиб ўтиш кифоя. Унинг аниқ ва пухта ишлашига шу боисдан ҳам биринчи даражали аҳамият берилаяпти. Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармаси ходимларининг партия-хўжалик активида ана шу ҳақда гап борди.

Бош бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи В. П. Афонин докладида автомобиль корхоналарининг ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари биринчилар қатори бажарганликлари ҳақида рапорт беришди. М. Шангареев, З. Юнусов, Т. Абдураҳмонов каби илғорларга ҳақли равишда эргашиш мумкин. Социалистик мусобақа якунларига кўра 375 меҳнат пешқадами «Ўнинчи беш йиллик-зарбдори» нишони билан тақдирланди.

Бугунги кунда автотранспортчилар олдидаги муҳим масалалардан бири аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини янада ошириш бўлиб қоляпти. Фақат таксомотор парклари да бригада пудрати усулида меҳнат қилувчи 19 бригада ташкил этилди. Уларнинг кўпчилиги аъло хизмат кўрсатишга кафолат берди. Ўтган беш йилликда 37 та янги маршрут очилди, ҳаракатдаги составнинг линияларга чиқарилиши мунтазамлашди, махсус ремонт постлари ва участкалари барпо этилди, ишлаб чиқаришга кўплаб техника янгиликлари жорий этилди. Жумладан, 3-автопарк ва 2-автокомбинатда машиналарни диагностикалаш линиялари жиҳозланди. 3-таксопаркда газ баллонли енгил таксилардан муваффақиятли фойдаланиляпти, «Икарус» автобуслари газ конденсатли ёнилғига ўтказилди.

Кадрлар тайёрлашга катта эътибор бериляпти. Ўтган йили иқтисодий таълим системасида икки мингдан ортиқ киши ўқитилди, 875 ҳайдовчи ва ремонтчи ўз малакасини оширди. Уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртлари ва техникумларнинг кечки, сиртқи факультетларида билим олишяпти.

Бугунги кунда «КПСС XXVI съезди шарафига— 26 зарбдор ҳафта» шиори остида меҳнат қилаётган автомобиль корхоналарининг меҳнатчилари оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишди: 1981 йил плани автомиллиондан ортиқ пассажир ташилди, мингдаб литр бензин тежалди, автомобиль корхоналарнинг ҳаракатдаги составлари бир мунча янгиланди. Бу ларнинг ҳаммасига ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, ҳайдовчилар ва ремонтчи ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш туфайли эришилди.

Республика ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаган 2-автомобиль комбинати, 5-таксопарк, 7-автопарк коллективлари, 3 мингдан ортиқ ҳайдовчи ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари биринчилар қатори бажарганликлари ҳақида рапорт беришди. М. Шангареев, З. Юнусов, Т. Абдураҳмонов каби илғорларга ҳақли равишда эргашиш мумкин. Социалистик мусобақа якунларига кўра 375 меҳнат пешқадами «Ўнинчи беш йиллик-зарбдори» нишони билан тақдирланди.

Бугунги кунда автотранспортчилар олдидаги муҳим масалалардан бири аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини янада ошириш бўлиб қоляпти. Фақат таксомотор парклари да бригада пудрати усулида меҳнат қилувчи 19 бригада ташкил этилди. Уларнинг кўпчилиги аъло хизмат кўрсатишга кафолат берди. Ўтган беш йилликда 37 та янги маршрут очилди, ҳаракатдаги составнинг линияларга чиқарилиши мунтазамлашди, махсус ремонт постлари ва участкалари барпо этилди, ишлаб чиқаришга кўплаб техника янгиликлари жорий этилди. Жумладан, 3-автопарк ва 2-автокомбинатда машиналарни диагностикалаш линиялари жиҳозланди. 3-таксопаркда газ баллонли енгил таксилардан муваффақиятли фойдаланиляпти, «Икарус» автобуслари газ конденсатли ёнилғига ўтказилди.

Кадрлар тайёрлашга катта эътибор бериляпти. Ўтган йили иқтисодий таълим системасида икки мингдан ортиқ киши ўқитилди, 875 ҳайдовчи ва ремонтчи ўз малакасини оширди. Уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртлари ва техникумларнинг кечки, сиртқи факультетларида билим олишяпти.

Бугунги кунда «КПСС XXVI съезди шарафига— 26 зарбдор ҳафта» шиори остида меҳнат қилаётган автомобиль корхоналарининг меҳнатчилари оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишди: 1981 йил плани автобусларда пассажирлар ташиш бўйича 5 декабрда, таксомоторлар бўйича 6 ноябрда тўла адо этди. Топшириққа қўшимча равишда 15 миллион сўмга яқин фойда кўрилди. 25 автобусларда пассажирлар ташиш бўйича муддатидан илгари 28 декабрда ва енгил таксиларда ташиш бўйича 27 декабрда бажарилади, 500 минг сўмлик даромад берилади, пландан ташқари 3 миллион пассажир ташилади. Барча автомобиль транспорти корхоналарини коммунистик меҳнат корхоналарига айлантириш бўйича ҳаракат янада авж олдирилади. 168 ҳайдовчи шу йилнинг икки ярим ойи планини съезд очиладиган кунгача бажаришга аҳд қилишди.

Музокараларда сўзга чиққан 5-таксопарк партия ташкилотининг секретари Ю. Соломников, 3-автопарк ҳайдовчиси Н. Мадалимов, 3-таксопарк слесари Н. Верченко ва бошқалар қабул қилинган мажбуриятларни қўллаб-қувватлаб, автомобиль транспорти ишини яхшилаш ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, бригада пудрати усулини жойларда кенг жорий этиш бўйича бир қанча қимматли таклифлар киритишди.

Актив йиғилишида Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министри А. Ф. Гаврилов иштирок этди ва сўзга чиқди.

М. МУРОДОВ.

Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида

Тўқувчилар улуши

Тошкент тўқимачилик комбинатининг олти нафар қўпстанокчи тўқувчиси ўнинчи беш йиллик мобайнида 14,5 миллион метр, шу жумладан пландан ташқари 6,5 миллион метр газлама ишлаб чиқарди.

Бу катта меҳнат зафарига Нина Васильевна Ершова энг кўп ҳисса қўшди. У беш йиллик мобайнида ўн бир йиллик нормани бажариб, 3,6 миллион метрдан зиёд «ягодка» ва дока ҳамда миткаль газламалари тўқиб берди.

Донгдор тўқувчи бундай юксак маррага техникага хизмат кўрсатиш зонасини икки баравар кенгайтириб, типовой нормадаги 24 ўрнига 48 та станокка хизмат кўрсатганлиги туфайли эришди. Бироқ у бу билан чекланиб қолмади. Қулай имконият туғилганда, у ўз қўл остидаги станоклар сонини ҳатто 64 тага етказди.

Кейинги вақтда у 56 та станокда ишлаб, кундан кунга дастҳоҳларнинг кам туриб қолишига, ипларнинг жуда кам узилишига эришиб борди. Ўзининг 30 йиллик меҳнат фаолияти давомида Нина Васильевна иш усулларини шундай такомиллаштирдики, бу унга ҳар бир меҳнат жараёнида секундларни тежаб қолиш имкониини бермоқда. Ана шунинг учун ҳам калаваларда узилишларни тез бартараф этиш, полотноларни синчковлик билан текшириш, бракни бартараф этиш имконияти туғилмоқда.

48 та станокка хизмат кўрсатаётган Вера Ивановна Солдатова ҳам юксак кўрсаткичларга эришмоқда. У беш йил мобайнида 3,2 миллион метрдан зиёд сурп тоширди. Бу эса тўққиз йилу ўн ойлик планга тўғри келади. Барча маҳсулот биринчи сортга қабул қилинди. Вера Ивановна тўқимачилар коллективига ўз касбининг устаси сифатида танилган.

Тўқувчи Клавдия Ивановна Аникина ҳам икки зонали станокларга хизмат кўрсатмоқда. У беш йиллик мобайнида 1,15 миллион метр газлама тоширириб, етти йиллик ишлаб чиқариш нормасини бажарди.

Нина Прокофьевна Ланкина саккиз йиллик нормани (1,4 миллион метр газлама) бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. У типовой нормадаги 33 та станок ўрнига 60 та дастҳоҳга хизмат кўрсатиб, сатин тўқимоқда.

Энг ёш қўпстанокчи Каромат Еқуббоева 18 та ўрнига 36 та мокисиз станокка хизмат кўрсатиб, юқори кўрсаткичга эришяпти. У бундай зичликка 1979 йили ўтган эди. Мана унинг натижалари: тўқувчи 6 йилу ўн ойлик планни бажарди. Барча газламани биринчи сортга топширмоқда.

Комбинат машъаллари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан бутун коллективга намуна бўлмоқдалар. Уларнинг эришаётган меҳнат зафарлари кўпларни янги марраларга сари илҳомлантирмоқда. Беш йиллик охирига келиб, юқори зичликда ишлаётган қўпстанокчилар сони 2482 кишига етди.

Ҳозирда ҳам комбинат машъаллари мусобақанинг олдинги сафида боряптилар. Уларнинг ҳаммаси 1981 йилнинг биринчи йил квартал планини КПСС XXVI съезди очилишига қадар бажаришга бел боғлаганлар.

И. МАРГОНИН.

ПОЙТАХТ МУЗЕЙЛАРИ БЎЙЛАБ

БУГУН

ЛЕНИНГА БАҒИШЛАНАДИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида очилган «Совет санъати» лекторийсида санъат ҳақидаги лекцияларнинг навбатдаги туркуми программаси тузиб чиқилди. Совет тасвирий санъати тараққиёти босқичлари, тасвирий санъатнинг назарий проблемалари ҳамда рассомлар ижодига бағишланган лекциялардан ташқари, лекторийнинг янги программасида «Тасвирий санъатда Ленин образи», «Рассомлар — Ленин мукофоти лауреатлари» сингари доҳий В. И. Ленинга бағишланган лекциялар ҳам ўрин олган. Мазкур лекциялар давомида санъат ишқибозлари лекция мавзуига мос фильмларни ҳам томоша қиладилар.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

КОНФЕРЕНЦИЯ БАРБОД БЎЛГАНЛИГИГА САБАБ НИМА?

Жаҳон матбуоти якдиллик билан таъкидлаб ўтганидек, Женевада Намибияга бағишланган ва бир ҳафта давом этган конференция Жанубий Африка Республикаси ва унинг АКШ, Англия, ГФР, Франция ва Канадалаги иттифоқчиларининг айби билан натижасиз тамом бўлди. Парижда чиқадиган «Монд» газетаси «Ғарб давлатларининг планлари конференцияни чўзиб юбориш ёки бошқа вақтга кўчиришни кўзда тутар эди», деб тан олди. Бу хилдаги жиноий «манфаатдорлик»нинг асосий сабаби шуки, Жанубий Африка Республикасининг Намибия тараккийпарвар мамлакатларга қарши тўхтовсиз давом этаётган қуролли ирғоғарликлар учун бу мамлакат территориясидан фойдаланишни таъминлайди.

БМТ рахнамолигида ўтган Женева конференцияси бошланган чоғдаёқ Жанубий Африка Республикасининг делегацияси унинг ижобий иш олиб боришига тўсқинлик қилди. Масалан, преторий «ички тартибот» деб аталган нарсани ҳар қандай қилиб бўлса ҳам Намибия халқига мажбуран қабул қилдиришга интилди. Босқинчилар ана шу «тартибот» ёрдами билан Намибияда ок танли иркчилар ва қора танли сотқин йўлбошчиларидан иборат кўпчилик ҳокиматини ўрнатишга умид боғламоқдалар.

Айни вақтда Намибия масаласини ҳал этишда Жанубий-ғарбий Африка халқ ташкилотини (СВАПО) катнаштирмаслик учун уриниб кўрдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу ташкилотни Намибия халқининг бирдан-бир қонуний вакили деб ҳисобламоқда. Преториянинг кўпчилик партияларни ватанпарварлар билан бир каторга қўйиш мақсадида СВАПО расмий статусини қайтадан кўриб чиқиш сохасидаги «ташаббуси» шундай асосий воситалардан бири бўлдики, Жанубий Африка Республикаси ана шу восита ёрдами билан Женевада Намибия масаласининг муваффақиятли муҳокама қилинишига ҳалакит берди.

Преториянинг тактика соҳасида найранг ишлатиш билан бир қаторда ирғоғарлик мақсадида ҳарбий намойишлар ҳам ўтказди. Иркчилар Намибиядаги ўз қўшинларини сонини кўпайтириб, 70 минг кишига етказдилар. Оператив хизматни бажариш учун денгиз пиёда аскарлари биринчи марта шу мамлакатга келтирилди. Бу аскарлар соҳил бўйидаги ороллари босиб олдилар ва Намибиянинг асосий порти Уолфиш-бейни назорат қила бошладилар.

Ғарбдаги янги мустамлакачи доиралар рағбатлантирса ётган иркчиларнинг позицияси ҳаммага аёндир. Улар Намибиянинг мустақил бўлишига қарши чиқмоқдалар. Аммо Африка мамлакатларининг Женева анжуманида қатнашган вакиллари бу мамлакатни озод этишга эришиш учун қатъий қарор берганлар. СВАПОнинг раҳбари С. Нуйома бундай деди: ватанпарварлар ўз мамлакатини тезроқ озод қилиш учун иркчи босқинчиларга қарши қуролли кураш доирасини кенгайтирмоқдалар.

С. КУЛИК,
ТАСС шарҳловчиси.

РАЙОН КОМИТЕТИ ФАОЛИЯТИДАН

АКТИВЛИКНИ ОШИРИБ

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида ўн биринчи беш йилликка ва ундан кейинги йилларга кенг истиқболлар белгиланган. Ана шу улкан вазифаларнинг ҳал этилишида халқ назоратчилари зиммасига катта масъулият юкланган. Иқтисодий тежамкорлик учун, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун курашда шаҳардаги Фрунзе районининг ҳамма назоратчилари ишини янада активлаштиришга алоҳида эътибор беришга қарор қилинди.

Бугунги кунда районимиздаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда халқ контролининг 520 группа ва постлари ишлаб турибди. Улар ўз сафларига ишчилар, хизматчилар, пенсионер-активистларни ғ беш мингдан кўпроқ энг яхши вакилларини жипслаштирган. Назоратчиларнинг асосий қисмини коммунистлар, комсомоллар ташкил этгандир.

Халқ назоратчилари активлари орасида районда таниқлган кишилар, партия, меҳнат ветеранлари — Геннадий Николаевич Васильев, Петро Яковлевич Великий, Семён Васильевич Иванов, Фёдор Иванович Изюмников, Елизавета Константиновна Бородинова, Александр Александрович Сенотрусов, Анна Ивановна Ткаченко ва бошқалар бор. Буларнинг ҳаммаси халқ хўжалиги ҳамда маданий қурилиш вазифаларининг муваффақиятли ҳал этилишида ўзларининг муайян ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ҳар бир коллектив КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақа олиб бораётган ҳозирги пайтда район халқ контроли комитети меҳнаткашларнинг фаолият даражаларини бундан буён ҳам оширишга интилмоқда.

Район комитети социалистик мулкни ўғирлаш ва талон-тарож қилишга қарши кураш олиб боришда муттасил текширув ўтказиб келмоқда. Шундай текширувлардан бири яқинда «Таштекстильмаш» заводи, 1-пойафзал фабрикаси, «Ташюбилсельстрой» трести ва бошқа корхоналарда ўтказилди. Текширув натижасида халқ назоратчилари «Ташобльсельстрой» трестида қилинган ишлар ҳажмига қўшиб ёзиш, унинг бўлинмаларида эса фондларга маблағларни нест-нобуд қилиш фактини топдилар. Айбдорлар жавобгарликка тортилдилар.

«Промстройкомплект» бирлашмасининг темир-бетон конструкциялари заводида хом ашё ва материаллардан фойдаланиш қатъий назорат остига олинди, комитет халқ контроли группалари, активлар ёрдамида металлга, электр энергиясига, молиявий маблағларга хўжасизларча муносабатда бўлиш ҳолларини топди.

Бизнинг бу йилги қиладиган ишларимиз самарадорлигининг гарови — комитет ҳамда жойлардаги группа ва постлар фаолиятини аниқ ташкил этишда, рейдлар ва текширувларга мутахассисларни кенгроқ жалб этишда, текширувлар натижаларининг ошкоралигида, деб биламиз. Бунинг учун группа ва постлар тузилишига қатъий эътибор бериладиган бўлди. Масалан, абразив комбинатидаги халқ контроли группасига (группа раиси И. Ф. Дудников), энг яхши ишчилар, рационализаторлар ва активлардан юздан ортиқ киши сайланди. Улар ўзларини ишдагина эмас, балки текширувлар ва рейдларда намуна қилиб кўрсатдилар. Назоратчилар томонидан план топшириқларининг бажарилиши, маҳсулот сифатини яхшилаш, комбинатни реконструкция қилишда иқтисодий тежамкорликка риоя қилиш юзасидан 40 дан ортиқ текширув ўтказилди. Бунинг натижасида комбинат умумий маҳсулотининг 30 процентдан кўпроғини давлат Сифат белгиси билан чиқармоқда.

Саноат қурилиши материаллари министрлигининг қурилиш материаллари комбинатидаги халқ контроли группасининг фаолияти кейинги пайтда анча ортдики, бу давлат планларининг муваффақиятли бажарилишига имкон бермоқда.

Пластмасса буюмлари, экспериментал механика заводи халқ назоратчилари йилига 20 минг сўмликдан кўпроқ иқтисодий тежам берадиган кўпгина қимматли рационализаторлик таклифларини киритдилар.

Биринчи пойафзал фабрикасининг назоратчилари Самарқанддаги Охунбобоев номли кўн заводи сифатсиз танаворлар юбораётганлигига эътиборни қаратдилар ва Самарқанд шаҳар халқ контроли комитети раиси номига очиқ хат жўнатдилар. Пойафзалчилар олинган 550 минг квадрат дециметр — қарийб 64 минг сўмлик танаворнинг ҳаммаси брак эканлигини маълум қилдилар. Тезда чора кўриб, айбдорлар жазоланишини сўрадилар. Самарқанддан олинган жавобда фактлар тасдиқланганлиги, айбдорлар эса жавобгарликка тортилганлиги айтилган. Назоратчилар нинг шундай қатъийлик ва активлик билан иш олиб боришлари фабрикада тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилашда ўз аксини топди.

СССР халқ контроли тўғрисида Қонуннинг қабул қилиниши, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасида назоратчилар олдига қўйилган вазифалар халқ назоратчилари роли ва обрўсини янада ошириб юборди. Ҳар бир назоратчи ўзига билдирилган бу ишончни ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилидан бошлаб активликни янада ошириш билан оқлаши керак.

Р. ПОДМАРЕВ,
Фрунзе район халқ контроли комитетининг раиси.

• *Шаҳар халқ контроли комитетида*

МУКОФОТГА САЗОВОР БЎЛИШДИ

Шаҳар халқ контроли комитети халқ контроли органларида кўп йиллик фаол ва самарали қилган меҳнатлари учун халқ контроли комитети юридик группасининг штатсиз раҳбари Юсуф Султонович Гасановни қимматли эсдалик совға билан тақдирлади. «Тошкент хлеб» бирлашмаси халқ контроли группасининг раиси, Октябрь район халқ контроли комитети аъзоси Мария Архиповна Гладкова фахрий ёрлиқ билан мукофотланди. Шаҳар халқ контроли комитети фан, маданият ва соғлиқни сақлаш бўлими штатсиз мудирининг ўринбосари А. Эмировнинг сурати комитет Ҳурмат тахтасига қўйиладиган бўлди.

Қаттиқ талаб қилинади

Шаҳар халқ контроли комитетининг мажлисида «Ташкентхлеб» бирлашмаси, Тошкент булка-кондитер комбинати ва «Ташкентхлебторг» корхоналарида партия ва ҳукуматнинг нон ва нон-булка маҳсулотлари сифатини яхшилаш ҳамда хилларини кўпайтириш тўғрисидаги қарорлари қандай бажарилаётганлиги юзасидан олиб борилган текширувнинг натижаси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Нон пиширишда, сақлашда, транспортга ортиш ва аҳолига сотишда кўпгина камчиликлар ва қонда бузишликка йўл қўйилаётганлиги таъкидланди. Аксарият ҳолларда нон ва нон-булка маҳсулотлари сифатсиз ҳамда кам ассортиментда тайёрлаб чиқарилмоқда. Бунга ишлаб чиқариш қувватларидан яхши фойдаланилмаётганлиги, температура режими бузилаётганлиги, маҳсулотларни тахлаш, сақлаш ва транспортларга ортишда қоидага риоя қилинмаётганлиги, ун комбинатларни етказиб бераётган унларнинг сифати пастлиги сабаб бўлмоқда.

2,4 ва 5-корхонада тайёрланган маҳсулотларнинг сифати пастлиги аниқланди. Шаҳар магазинларига нон-булка маҳсулотлари етказиб бериш графиги бузилмоқда, транспортлар 2—5 соатлаб туриб қолмоқда. Халқ назоратчилари 5-корхонада, «Ташхлебторг»нинг 33, 60, 61 ва 122-магазинларида санитария нормалари бузилаётганлигини ошкор қилдилар. Шуниндек, «Ташкентхлеб» бирлашмасида тайёрланган нон ҳамда нон-булка маҳсулотларининг сақланиш қоидаси бузилаётир.

Бундай камчиликлар пиширилаётган нонлар устидан назоратнинг сусайтириб юборилганлиги, жойларда ишлаб чиқариш технологияси режимларига риоя қилинмаётганлиги оқибатида келиб чиқмоқда. Ишлаб чиқариш лабораторияларининг қониқарсиз иш олиб бораётганликлари ҳам сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилишига сабаб бўлмоқда. Корхоналарда нон-булка маҳсулотлари учун ажратилган ярим тайёр маҳсулотларнинг намлиги ва бошқа хусусиятлари нормаси белгиланмайди ва тасдиқланмайди.

Текширув чоғида совет савдоси қоидаларининг бузилиш фактларига дуч келинди. Ҳамза райпишчеторгининг 33, Киров райпишчеторгин и н г 35, «Ташкентхлебторг»нинг 23, 60, 61, 122-магазинларида харидорларнинг ҳақидан уриб қолиш, маҳсулотларни оширилган нархда сотиш, уларнинг баҳоси ёзиб қўйилмаганлиги, накладнойларни расмийлаштириш тартибини бузиш, брак қилинган нонларни сотиш каби ҳоллларга дуч келинди.

Шаҳар халқ контроли комитети «Ташкентхлеб» ва «Ташхлебторг» бирлашмаси раҳбарларига нон ҳамда нон-булка маҳсулотлари пиширишва уларни савдога чиқаришни яхшилашнинг аниқ тадбирларини ишлаб чиқишни топширди. Бу масалаларни қаттиқ назорат остига олди.

ЖОЙЛАРДАН ХАБАРЛАР

ИМКОНИЯТ ИЗЛАБ

Тошкент трактор заводининг 3-пайвандлаш-пресслаш цехи халқ назоратчилари металлнинг нест-нобуд бўлишига мустаҳкам ғов ўрнатдилар.

Бу цех асосан прицеплар ва улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Шунинг учун ҳам халқ назоратчилари тунукаларни бир мунча тежаб қирқиш, уларга ишлов беришнинг прогрессив методини қўллаш, замонавий ускуналардан фойдаланиш имкониятларини қидириб топишни айнан шу цехдан бошладилар. Бу ишга мутахассислар, тажрибали ишчилар жалб этилди.

Шу кучлар биргаликда иш олиб боришлари туфайли металл қўймаларидан фойдаланиш коэффициенти бир мунча қисқарди, технология интизоми яхшиланди, металлар сарфини ҳисобга олиш йўлга қўйилди. Буларнинг ҳаммаси ой сайин корхонада юз тоннага яқин металл қўймаларини тежаш имконини бермоқда.

Ички имкониятларни қидириб топиш давом этмоқда. Халқ назоратчилари ўз олдиларига металларни транспортга ортиш-туширишда бракка йўл қўйишни қисқартириш, деталь ва узелларни штамповка қилишда сарфланадиган металларни ҳисобга олишни ташкил этишни яхшилашни мақсад қилиб қўйдилар.

Н. ФОМИН,
трактор заводи халқ контроли комитетининг аъзоси.

ҲАР БИР ЦЕХДА ПОСТ

Ж. Обидова номли Тошкент тамаки фабрикасининг ҳар бир цехида халқ контроли пости ташкил топган. Энг яхши ишлаб чиқарувчилар, халқ депутатлари, ўртоқлик судининг аъзолари — постларда иш олиб борадилар.

Постларнинг ҳар бири ўртоқлик суди билан яқиндан алоқа боғлаб иш олиб боради. Уларнинг қўшма мажлисларида ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини бузувчилар иши кўриб чиқилади. Бу йилгилишга цех бошлиқлари, касаба союз фабрика комитетининг аъзолари таклиф қилинадилар. Қабул қилинган қарор эса буйруқ билан мустаҳкамланади.

Халқ назоратчилари корхонага киришчиқиш йўлида навбатчилик қиладилар, цех раҳбарлари билан биргаликда ишга кечикиб келиш ва прогул сабабларини аниқлайдилар, хом ашёнинг қандай сақланишини текширувдан ўтказадилар.

Т. ИУЛДОШЕВ.
Ж. Обидова номли тамаки фабрикасининг слесари.

«ЧАҚМОҚ» ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент асбобсозлик заводининг омборхонасида ускуналар ва эҳтиёт қисмлар қандай аҳволда сақланаётганлиги тўғрисида биринчи бўлиб корхона раҳбарларини халқ назоратчилари хабардор қилдилар. Келаси куни корхонанинг ўтиш йўлидаги стендда уч кунлик муддатда ишлар тартибга келтирилишига даъват этувчи «Чақмоқ» деворий газетаси ёпиштириб қўйилди.

Ускуналарни сақлаш ва улардан унумли фойдаланиш, материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш тўғрисида халқ назоратчилари ўтган йили ўнлаб текширув ўтказишди. Текширувларнинг ҳар бири бўйича аниқ тадбирлар белгиланди. Натижада корхонанинг 50 минг сўм маблағи тежалди.

Халқ бойлигини тежаб-тергаб сарфлаш юзасидан халқ контроли бош группасининг бу йилги планида ҳам кўпгина тадбирлар белгиланди. Булар орасида асбобларга ишлатиладиган қора ва рангли металларни, электр энергиясини тежаб-тергаб сарфлаш ҳам кўзда тутилган.

Ф. МЕНАДЖИЕВА.
Тошкент асбобсозлик заводи иқтисодчиси.

• МЕТАЛЛ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСРОФГАРЧИЛИГИГА МУСТАҲКАМ ҒОВ ЎРНАТАЙЛИК

• ЁРДАМ ВА ТАШАББУС—ИШ САМАРАДОРЛИГИ ГАРОВИ

• МИЖОЗЛАР РАНЖИШЯПТИ

• БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ ҚУРИЛИШИ ЧУЗИБ ЮБОРИЛЯПТИ

• МАИШИЙ ХИЗМАТ КУРСАТИШ СОҲАСИДА «ЭГРИ ИУЛ»ДАН ИШ БИТИРИШГА ЧЕК ҚУИИЛМАГАН.

«Компрессор» заводининг 12-цехи коллективи ўртасида халқ назоратчиси Камол Муҳиддинов меҳнатда ва ижтимоий ҳаётда ҳамкасбларига намуна бўлмоқда. У корхонадаги чорак асрлик меҳнат фаолиятида ишлаб чиқаришнинг сирларини билиб олди ва илғорлар тажрибасини кенг ёйишда, ишлаб чиқаришдаги қийинчиликларни бартараф этишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

К. Муҳиддинов — завод халқ контроли бош группаси аъзоси. Унинг куч-ғайрати туфайли цех коллективи халқ назоратчиларининг олиб борадиган текширувларидан, уларнинг натижалари ва қабул қилинган тадбирлардан хабардор бўлиб турибди.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Шаҳар халқ контроли комитетида*

Фаолиятлари маъқулланди

Шаҳардаги Куйбишев, Собир Раҳимов ва Ҳамза район халқ контроли комитетлари СССРда халқ контроли тўғрисидаги янги Қонун талаблари асосида ўз ишларини тубдан ўзгартириб юбордилар. Халқ контроли группа ва постларининг структураси тартибга келтирилди, назоратчилар фаолиятини ошириш тадбирлари белгиланди, комитет ва группаларнинг халқ депутатлари маҳаллий Советлардаги доимий комиссиялар билан алоқаси мустаҳкамланди.

Бу районларнинг иш тажрибалари шаҳар халқ контроли комитетида кўриб чиқилди. Уларнинг ишдаги эришган ютуқлари билан бир қаторда давлат план ва топшириқларини бажарилишининг муттасил назорат қилиб турилишида группа ва постлар, тўла сафарбар қилинмаётганлиги таъкидланди. Районлардаги бир қатор корхоналар ва ташкилотларда халқ назоратчиларининг ўқуви яхши ташкил этилмаган, коллективчилик ҳамда ошкоралик принципи улар фаолиятининг кундалик нормаси бўлишига эришилмаган.

Шаҳар комитети районларнинг халқ контроли комитетларига ишларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишни топширди.

Фактларни рассом шарҳлайди

Халқ назоратчилари томонидан «Сервис» фирмаси системасида ўтказилган текширув пайтида дарпардалар ва автомашиналар учун ғилоф тайёрланадиган нойёб материалларни яшириш ҳоллари топилди. Қабул пунктларида тўлдирилган квитанциялардан ҳеч нарсани аниқлаб бўлмайди. Уларда на матонинг номи, на артикули ва на буюртманинг муддати, шунингдек, буюртмачининг номи ва адресини топиб бўлади. 1980 йилда талон-тарож қилинган ва камомадан келтирилган зарар 32,6 минг сўмни ташкил этди.

«Средазнефт е г а з-строй» трести 1-қурилиш бошқармасининг раҳбарлари давлат маблағларини ҳисобга олишга одатланишмаган. Ўтган йилнинг тўқиз ойи мобайнида улар иш ҳақи фондидан 75,4 минг сўм ортиқча сарфланишга йўл қўйганлар.

• Иш тажрибасидан

Коммунистлар—етакчи куч

Қурилиш механизацияси трестининг кўп минг кишилик коллективи ўтган беш йилликда шаҳримизда жуда катта миқёсда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Трест коммунистлари, халқ назоратчилари ва барча механизаторлар меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу борада ички имкониятларни топиб ишга тушираётган, камчиликларнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик қилиб келаётган халқ назоратчилари фаол иш олиб боришмоқда.

Партия комитети, эса КПСС Марказий Комитетининг «Латвия ССР халқ контроли органларига партия раҳбарлиги тўғрисида»ги қарорида таъкидлаб ўтилганидек, омма ўртасида бевосита иш олиб бораётган ҳамда халқ контролининг асосини ташкил этувчи группа ва постларга раҳбарлик қилишни доимо диққат-марказида сақлаб келмоқда. Бугунги кунда трестда юзга яқин халқ назоратчилари бўлиб, уларнинг иккидан бири ишчилардан иборат.

Халқ контролининг олтита группаси ва бир пости шундай ташкил этилганки, ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларидаги улар назоратида. Халқ назоратчилари механизация бошқармасидами, қурилиш объектларидами, қаердаки меҳнат қилаётган бўлсалар, юксак натижаларга, қурилиш машиналарининг бекор туриб қолишига барҳам беришга, бир меъёрда ишлашга эришиш учун кураш олиб боряптилар.

Партия ташкилотлари коммунистларнинг етакчи куч бўлишларига эришмоқда. Чунки улар халқ контроли группа ва постларининг асосини ташкил этишган. Халқ назоратчилари Умумий составининг ярми коммунистлардан иборатдир. Булар — ўз касбларини яхши эгаллаган, давлат мавфаатини қимматли қилувчи, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлган ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг энг яхши вакилларидир. Халқ назоратчилари орасида слесарлар бригадасининг бошлиғи М. Седова, мастер М. Королев, прораб Ф. Аҳмаджонов каби кўплаб коммунистлар бор. Айнан шу каби оловқалб коммунистлар яхши ташаббусларни бошлаб беришмоқда, ўзлари, нинг меҳнатга ва топширилган ишга нисбатан фидокорликлари бидан ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар.

Ишлаб чиқаришдаги шундай жонкуярларнинг ғайрат-ташаббуслари туфайли ўнинчи беш йиллик марраларига муддатидан қарийб беш ой илгари — Қурувчилар кунида эришишга муваффақ бўлинди. Трест коллективи беш йиллик планга қўшимча равишда тўрт миллион 800 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

Бугунги кунда илғор коллектив ўтган беш йилликда эришилган ютуқларни чегара деб билмай, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили учун янада юксак марраларни белгилаб олди. Улар КПСС XXVI съезди шарафига — 26 зарблор ҳафтада муносиб меҳнат совғалари тайёрлашяпти.

Трестнинг Н. Н. Шурубченко раҳбарлик қилаётган халқ назоратчилари вақтиваҳти билан қурилиш техникасининг ўз вақтида ишга чиқиши, ёнилги-мойлаш материалларининг сарфи, техника хавфсизлиги ҳолати, техникани ремонт қилиш сифати каби масалалар юзасидан текширув ўтказиб туради. Бунда касаба союз, комсомол ташкилотлари ҳамда «Комсомол прожектори»нинг бирлиги ишлаб борилмоқда.

Халқ назорати группаларининг хисоботлари очиқ партия мажлисларида, партия бюроси ва партия комитети мажлисларида, шунингдек коллектив йиғилишларида муҳокама этилади.

Х. С. Насриддинов секретарлик қилаётган трест партия комитети халқ контроли бош группаси раиси Н. Н. Шурубченконинг ҳисоботини тинглаб, коллектив ўртасидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишда бош группанинг олиб борган ижобий ишларини қайд этди. Шу билан бирга, халқ контролининг айрим группаси баъзи ҳолларда масалаларни ҳал этишда етарли даражада сабот ва принципиаллик кўрсатмаётганлиги ҳамда бошланган ишни охирига етказмаслиги таъкидланди. Ўн биринчи беш йиллика коллектив олдида турган муҳим ва ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар халқ контроли бош группасининг ҳамма соҳадаги ишларни юксак даражага кўтаришни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам партия комитети, цех партия бюролари бутун диққат-эътиборни халқ назоратчиларининг фаолияти оммавий, доимо ҳаракатда бўлишлиги, самарали иш олиб борили, текширувлар натижасида эса омма эътиборига етказилишига қаратмоқда.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

• *Танқид ўти остида*

САРТАРОШХОНАЛАРДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

В. Громов Чилонзор районидаги 41-сартарошхонага кирди, навбат кутиб курсига ўтирди. Ўнга аёл киши хизмат кўрсата бошлади. Бошига пеньюар кийдириб, бўйнига сочиқ ташлади... Мижоз ўрта ёшларда бўлса-да, унинг сочларини қандай текислаш керакли-гини уста бир оғиз ҳам сўраб кўрмади. Бунлан хавотирланган мижоз: «Менинг сочимни қандай олмоқчисиз?» деб сўради. Уста бу саволга жавоб ҳам бера олмади.

Ҳисоб-китобга келганда эса, прейскурантдаги 22 тийин ўрнига 72 тийин талаб қилди.

— Айтинг-чи, нима учун? Сочимни шунчаки текислаб қўйинг, деб эдим-ку, — дея ажабланди В. Громов.

— Мен эшитмабман, модали қилиб текисладим, бунинг учун 40 тийин,— деди уста. — Соч-соқолингизни бўяганим учун яна 32 тийин.

— Бу нима деганингиз? Мен ола-була ҳам, малла ҳам бўлиб қолганим йўқ-ку!

Залда ҳозир бўлган бу ҳангоманинг гувоҳлари роса кулишди. Лекин бу — тасодифий воқеа эмас, албатта. Шу районнинг 44-сартарошхонасига кирган Г. Игнатьевдан 60 тийин ортиқча ҳақ олинган. Чилонзор савдо марказидаги сартарошхонада ишловчи уста Қаландарова ўз мижозидан 55 тийин ўрнига бир сўм ҳақ олган...

Шуниси ажабланарлики, ушбу сартарошхоналарнинг мудирлари бундай воқеаларни баъзи усталарнинг ўз ҳамёнларини мўлжаллаб қилган ишлари деб эмас, балки план бажарилишининг қийинлигида, деб баҳоладилар. Уларнинг фикрича, уста эмас, балки айб мижозларда. Мижозлар камайганда, план ортиқ бормоқда. Шундай экан, ҳисоб-китоб нима учун касса билан эмас, уста билан қилинади? Мижозларни айниқса ана шу масала қизиқтирмоқда.

Е. ПЕТУХОВ,
Е. ЕГОРОВ.

Қурилиш тўхтаб қолди

1979 йили шаҳримиздаги Стахановчилар кўчасида тўқимачилик комбинати ишчиларининг фарзандлари учун 320 ўринли боғча-ясли қурилиши бошланган эди. «Главташкентстрой» 153-қурилиш трестининг 39-қурилиш бошқармаси пудратчи-ташкилоти бу объектни қуриб беришни ўз зиммасига олди ва қурилиш-монтаж ишларини 1980 йил учинчи кварталда тамомлаб, бинони фойдаланишга топширишга ваъда берди.

Қурувчилар дарҳол ишга киришишди. Қурилиш майдонидаги дов-дарахтларни қирқиб, ҳандақ қазишди, монтаж ишларини бошлаб юборишди. Шу зайил иш икки-уч ой давом этди, шундан кейин бошланган иш ташланди...

Ҳамон боғча қурилиши тўхтаб ётибди. Қурилишни давом эттириш ва боғча-яслини тезроқ фойдаланишга топириш тўғрисидаги ҳамма талаблар эътиборсиз қолиб кетмоқда. Янги, 1981 йил ҳам бошланди. Лекин қурилишда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаяпти. «Главташкентстрой» бошқармаси раҳбарларининг, 153-қурилиш трести ва 39-қурилиш бошқармаси раҳбарларининг бундан хабарлари борми? Ҳа, хабарлари бор! Лекин улар шартномани бажаришга ошиқишмаяпти.

В. АПАСОВ.

НАЗОРАТЧИЛАР ЎҚИШЯПТИ

Шаҳар халқ контроли комитетида район халқ контроли комитетлари, бош группалар раислари, бўлим мудирлари ва активларнинг ойда бир марта бўладиган машғулоти бошланди. Ўқув программасида «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш-нинг 1981 — 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини, назоратчилик ишлари тажрибасини ва бошқа масалаларни ўрганиш кўзда тутилган. Тингловчилар ҳузурида таниқли мутахассислар, масъул партия ходимлари, олимлар, халқаро лекторлар сўзга чиқадилар.

В. ЛИЧЕВ,
шаҳар халқ контроли комитети инспектори.

• ЎҚИБ ЧИҚИНГ

Аниқ мисолларда

Ўн биринчи беш йилликнинг улкан вазифалари халқ назоратчиларидан ўз билимларини муттасил ошира бориш, илғорлар тажрибасини ўрганишни тақозо этади. Бу борада уларга «Советская Россия» нашриёти томонидан чоп этилган «Халқ контроли группаси ишламоқда» тўплами сўзсиз қўл келади.

Бу китобга қарийб 50 га яқин муаллифлар иши киритилган. Мамлакатимизда г и кўпгина районлар, халқ назоратчилари бевосита иш олиб бораётган халқ хўжалиги тармоқлари кенг қамраб олинган. Тўпламда текширувлар, рейдлар ва кўрикларни бевосита ташкил этаётган кишиларнинг ўзлари сўз юритадилар, корхона ва ташкилотлардаги ишларнинг ҳолатини таҳлил этадилар, фан ва техника эришган ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан ишлаб чиққан таклиф ва тавсияларини баён қиладилар. Группа ва постларнинг назоратни амалий ва ошкора олиб боришдаги форма ва методлари ҳаётда синаб кўрилган аниқ мисоллар асосида келтирилган.

Тўпламдаги кўпгина мақолаларда меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлашга халқ назоратчилари томонидан қўлланилган жамоатчилик тадбирларининг самараси ўз аксини топгандир.

Халқ контроли органлари системасининг энг оммавий звеноларидан бирининг иш тажрибаларини ўзида мужассамлаштирг а н халқ контроли комитети ходимлари ва активлари, группа раисларигина эмас, шу билан бирга Совет ҳамда хўжалик ташкилотлари муассасалар, корхоналарнинг раҳбарлари ҳам ўқиб, ўзлари учун кўпгина фойдали нарсаларни билиб оладилар.



Октябрь районининг Матлубот кўчасида труба ётқизиш ишлари ташлаб кетилганига яқинда бир йил бўлади. «Промгражданстрой» трести пудратчи ташкилотлари раҳбарлари (бошлиғи Мавлудов, бош инженери Купцов ўртоқлар) «бир кун эмас, бир кун давом эттирармиз», деб ўйлашаётган бўлкшса керак. Пудратчи ташкилот —1-қўчма механизациялашган колонна раҳбарларининг (бошлиғи ўртоқ Ҳақимхўжаев) фикри ҳам шундай бўляпти. Уша кун қачон келар экан?

РСФСР халқ рассоми ҳайкалтарош О. К. Комов буюк рус шоири ва ёзувчилари, олим ва мўйқалам усталари га бағишланган асарлари билан кўпчилинка яхши таниш. Ҳозир у Ставрополь ўлкасидаги Лермонтовский шаҳрида ўрнатиладиган М. Ю. Лермонтов ҳайкали ва Псков шаҳрида ўрнатиладиган А. С. Пушкин ҳайкалининг моделлари устида ишламоқда.
СУРАТДА: О. К. Комов М. Ю. Лермонтов ҳайкалининг модели олдида.

ТАСС фотохроникаси.

ТОШКЕНТ тарихидан 100 лавҳа

ЎЗБЕК ПАЛОВИ ҲАҚИДА

60-ЛАВҲА

Баъзан ана шу воқеани эслаб қоламан: у мен яшаётган ўлканинг анъана ва урф-одатларига нисбатан чуқур ҳурмат уйғотади.

...Туристик группамизнинг улуғ Британия бўйлаб саёҳати ниҳоясига етаётган эди, биз истиқомат қилган хонадон— инглиз мезбонлари билан хайрлашдик. Ҳамроҳларимиздан бири хайрлашиш арафасида қизиқарли таклифни ўртага ташлади: мезбонларни ўзбек палови билан меҳмон қилсак.

Серқуёш ўлкамиздан бир неча минг километрлаб олисда, бутунлай бегона ўлкада қандай қилиб чинакам ўзбек паловини тайёрлаш мумкинми экан. Бу ерда паловни қизартирадиган дориворлар топиш у ёқда турсин, ўзимизга мос келадиган қозон топиб бўлармиди? Бу таклиф бизни шунчали ҳаракатга солиб қўйдики ундан сира ҳам воз кеча олмадик. Мезбонлар ошхонасини агдар-тўнтар қилиб, ниҳоят қозонга ўхшаган қандайдир бир буюмни топишди. Гуруч ҳам топила қолди. Русча— инглизча чала-чулпа чуғурлашганимиз д а н кейин сабзи ва пиёзни ҳам тўғраб олдик.

Биз сабрсизлик билан қозон атрофида парвона бўлаётган самарқандлик ошпазимизнинг ҳаракатини синчиклаб кузатиб турардик. У ўзининг таъбири билан самарқандча сўфи палов тайёрлаётган эди.

Қозондаги палов тобига етказиб димланди, шундан кейин сузиб келиб дастурхонга тортилди. Лекин ўша паловнинг таъми ҳамон менинг оғзимда қолган. Инглиз мезбонлар эса аввалига паловни чўқилиб кўришди, кейин мазасига тушунгач, иштаҳалари очилиб, лаганга ёпирилишди. Улар ўзларича зўр-ку деб қўйишарди. Шундан кейин биз сафаримиз охирида тугаб қолган пачкадаги кўк чойдан дамлаб ичдик. Суҳбат орасида инглизларга миллий анъаналаримиз, ўзбек таомчилиги, халқларнинг неча асрлардан буён яшаб келаётган энг лаззатли, энг шифобахш, энг тўйимли ва энг мўъжизали таоми — палов ҳақида гапириб бердик.

Паловга солинадиган муҳим масаллиқлардан бири гуручнинг таърифи инсониятнинг энг дастлабки тараққиёти билан чамбарчас боғланган. Эрамиздан икки минг йил муқаддам Ҳиндистонда гуруч маълум бўлган. Гуруч у ердан Хитой, Япония, Форс ва Месопотамия, Сурия ва Юнонистон томонларига тарқалиб кетган. Гуруч кўпгина халқларнинг асосий озуқасига айланиб қолган (ҳозирги пайтда ер юзидаги инсониятнинг учдан икки қисми ҳаётини гуручсиз ўтказолмайди).

Қадимги замонларда кишиларнинг гуручга бўлган муносабати юқори бўлган. Бу озуқа нафосат ва бойлик рамзи ҳисобланган хитой тилида «шоли» сўзи «озуқ», «деҳқончилик» деган тушунчаларни англатади.

Ҳиндистонни босиб олган Искандар Зулқарнайнга ҳам гуручдан тайёрланган таом мазаси бўлган. Шу киши туфайли гуруч Бақтрияга — ҳозирги Ўрта Осиёга келиб қолди. Петр I ҳам гуручни севиб уни топиш учун алоҳида ҳаракат бериб юрган. Унинг тавсиясига биноан Россияда шоли экиш учун шароитлар яратиб берилган.

Петр I гуручдан тайёрланадиган палов ҳақида эшитганмикин? Лекин номаълум вақтлардан буён Ўрта Осиёда яшаган ҳар бир киши паловни энг лаззатли таом сифатида хуш кўради. Бу таомни одатда тўйларда ва мартабали меҳмонлар чорланганда, катта байрамларда ва маъракаларда тайёрлашган. Палов лаззатли, хуштаъм таом бўлибгина қолмай балки шифобахш ҳам саналган. Абу Али ибн Сино унинг тўйимлилиги ва яхши ҳазм бўлишига қараб толиқиш, шамоллаш, ошқозон касалликларини даволашда энг қулай восита деб ҳисоблаган.

Ўтмишда ҳар бир ўзбек хонадонида ҳам ана шу таом мунтазам тайёрланган эмас. Фақат бой ва амалдорларнинг хонадонида ҳар куни дамланган бўлса, бева-бечораларнинг уйида эса пайшанба куни пиширилган. Жуда қашшоқ камбағаллар эса аҳёнда палов учун қозон осишган.

Ҳозирги пайтда ҳам палов тайёрлаш ишига зўр ҳурмат ва эътибор билан қаралмоқда. Дастурхонга лаганда палов қўйиладиган кун ўзига хос бўлиб, унинг атрофида ҳамма бола-чақаси, қариндошуруғи ёки ёру-биродари билан тўпланади. Ўзбек меҳмонавозлигида кишиларни паловхўрликка таклиф этиш шунчаки овқатланиш эмас, балки бўш вақтни дўстлар даврасида, бафуржа, завқли ўтказиш, яйраб ҳордиқ чиқаришдан иборат.

Палов тайёрлаш жараёнини нима билан таққослаш мумкин?! У шунчалик қизиқарли ва айни пайтда мураккабдир. Хамир таомларни бир кўришдаёқ ўрганиб олиш мумкиндир. Лекин бутун умрингиз бўйи палов дамларсиз. Лекин ҳар сафар бири-бирига ўхшамайди. Чинакам лаззатли ва хушхўр палов тайёрлаш қадимги замондан буён маҳорат ҳисоблаб келинган. Ўзбек меҳмонавозлигида бу маҳоратни кўпинча эркаклар эгаллаб келишган. Айниқса, чойхоналарда эркаклар улфатчилик қилиб, алоҳида меҳр билан ош дамлашади.

Эски шаҳардаги чойхоналарда ўрнатилган катор қозонлар атрофида қанчалаб йигитларнинг ғужғон ўйнаётганлигини неча марталаб кўрганман. Буни рамзий маъnoда чинакамига эркакларнинг маҳорат мусобақаси деб аташ мумкин. Айниқса, Тошкент ёки Бухоро, Фарғона ёки Андижон, Хоразм ёки Самарқанд шоввозлари учрашиб қолганда бу мусобақа яна авжига чиқади. Қадимги пайтлардан буён ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир аҳоли ўзининг таъби билан ўзича палов тайёрлаган. Ҳар бир ошпазнинг ўзига хос тажрибаси бўлган. Ўзбек ошхонасининг устаси Карим Маҳмудовнинг «Ўзбек паловдари» китобида 50 хилдан ортиқ палов тайёрлаш мумкинлиги ёзилган.

Тошкент чойхоналарида одатда қовурма палов тайёрланади. Буни асосий вариант деб аташ мумкин. Бундан ташқари майизли палов, ивитма палов, нўхотли паловни учратиш мумкин. Катта тўйларда тайёрланадиган палов эса ўзига хос масаллиқ ва маҳоратни талаб қилади.

А. ТЮРИКОВ.

САХАЛИНДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

Беполён мамлакатимизнинг энг олис бурчаги Сахалин аҳолиси серкуёш Узбекистоннинг санъат асарлари билан танишиш ниятида. Сахалин область ўлка музейи директори В. М. Латишев имзоси билан Узбекистон амалий санъати музейига йўлланган мактубда ана шу қадр фикр юритилади. Сахалин музейи маъмурияти шу йилнинг майиюнь ойларида бу ерда Узбекистон амалий санъати ва бадиий буюмлари кўргазмасини намойиш этишни сўраб мурожаат қилибди.

Республика Маҳаллий саноат министрлигига қарашли амалий санъат музейи коллективи бўлғуси кўргазманинг экспонатларини ҳозирлашга киришди. Музейнинг бош санъатшуноси Галина Максимовна Четка. ускананинг маълум қилишича Сахалинга 250 экспонатдан иборат кўргазма юборишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Кўргазмадан Бухоро зардўзлик фабрикасида тайёрланган кийим-кечаклар, Самарқанд, Бухоро, Чуст, Марғилон чеварлари қўли билан тикилган дўппилар, машинада ва қўлда тикилган сўзана, чойшаб, зардеворлар, Хива, Шаҳрисабз, Ургут корхоналарида тўқилган гиламлар, Риштон кераника заводида пиширилган лаганлар, кўпгина усталарнинг ёғоч ўймакорлиги буюмлари ўрин олади.

ЕЗУВЧИ ЎЙЛАРИ

МУҚАДДАС ҚАСАМНИ БУЗГАНЛАР

«Врач деган юксак унвонга сазовор бўлар эканман ва шифокорлик фаолиятимни бошлар эканман, тантанали қасам ичаман: бутун билим ва кучимни инсон саломатлигини сақлаш ва яхшилашга, беморларни даволаш ва касалликнинг олдини олишга сарф қиламан, жамият эҳтиёжи қанда талаб қилса, ўша ерда халол меҳнат қиламан. Ҳар доим медицина ёрдами беришга тайёр туришга, беморга эътиборли ва меҳрибон бўлишга, врачлик сирини сақлашга ўз илмим ва шифокорлик маҳоратимни оширишга сўз бераман... Халққа ва мана шу қасамёдга бир умр содиқ қоламан».

Бу — совет врачи қасами. Неча замонлардан бери жаҳон табиблари учун муқаддас онт бўлиб келган Гиппократ қасамига ундаги сўзлар мазмунан тўла мос келади. Диплом олаётган бўлгуси врач албатта, мана шу сўзларни давлат комиссияси олдида тантанали айтиб беради. Неча асрлардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келаётган энг муқаддас касб— шифокорлик ҳунарини танлаган одамлар орасида бу сўзларга содиқ қолган минглаб врачлар бор. Хавфли касалликларнинг олдини олиш учун ўша хасталик тарқалган жойга бориб, жонини жабборга бериб меҳнат қилган шифокорлар, кўпчиликка нафи тегиши учун ўзига ўзи хасталик юқтириб ўз танида тажриба ўтказган фидойи докторлар оз эмас. Кечани кеча, кундузни кундуз демай қўлида тиғ ушлаб, ўзига мутлақо нотаниш одамнинг ҳаётини сақлаб қолаётган жарроҳлар кўп. Лекин афсуски, Гиппократ қасамини бузаётган, ё лоқайдлик билан, ёки таъмагирлик билан одамларнинг ҳаётини таҳлика остида қолдираётган, оқ халатини бировларнинг қони билан доғлаётган шифокорлар ҳам йўқ эмас.

Кўпдан буён ўйлаб юрган фикрларимни ёзишга мана бу хат мажбур қилди.

«Қўлимга қалам олиб, ушбу хатни сизга йўллашга ҳеч кечириб бўлмайдиган кўнгилсиз воқеа сабаб бўлди. Биз медицина ходимларини саховатли одамлар, соғлиқ посбонлари дер эдик. Лекин ҳаммаси ҳам саховатли эмас экан.

7 январь куни ишлаб ўтирсам, каникул қилиб бувисиникига юборган ўғлим Лутфуллани тоғаси ошхонамга етаклаб келиб қолди. «Ўғлингизнинг кўзига нарса кириб кетди, тез докторга оборар экансиз», деди. Шунда кундуз соат уч эди. Мен ишдан жавоб олиб болани районимиз поликлиникасига олиб бордим. Тошкент область Тошкент район поликлиникасидаги врачлар «Ўғлингизнинг кўзи ичида бир нарса кўринib турибди. Ҳозироқ янги ТошМИдаги навбатчи кўз доктори кўрсин», деб йўллама ёзиб беришди. Укам иккаламиз янги ТошМИга, кўз клиникасига болани олиб бордик. Бу ерда бир аёл (кейин унинг бўлим мудири эканлигини айтишди) йўллаламани ўқиб кўрди-да, «Биз бугун навбатчи эмасмиз» деб қўлқолди. Мен унга ялина бошладим. «Ҳеч бўлмаса болани текшириб кўринг» деб илтимос қилдим. Врач нариданбери боланинг кўзини томоша қилган бўлди-да, қўл силтади. «Эҳтимол операция қилиш керак бўлар, биз операцияга тайёр эмасмиз, эски ТошМИга олиб бораверинг», деб буюрди. Болани машинага солиб эски ТошМИга бордик. Болани регистрациядан ўтказиб, кўз клиникасидаги навбатчи хонасига кирдик. Хонада тўла бир аёл билан ёш йигитча бор экан. Улар болани нариндак-бери кўришди-да, юпатишди: «Ҳеч нима қилмайди, эрта-индин ўтиб кетади». Бола эса ҳамон йиғлаб турибди. Шу пайт хонага қорачароқ врач кириб келди. «Мана, шу доктни томизсангиз, болангиз тузалиб кетади» деб қўлимга қоғоз тутқазди. Мен яна илтижо қилдим. «Ҳеч бўлмаса болани текшириб кўринг» деган эдим, врач хоҳлар-хоҳламас ўғлимнинг кўзини кўрган бўлди. «Жуда вақимчи одам экансиз, болангизга бало ҳам урмайди» дедию, чиқиб кетди. Ўша куни керакли дорини аптекалардан топа олмадик. Эртасига бу-юртма билан худди ўша қорача врач ёзиб берган дорини топиб, боланинг кўзига томиздик. Аммо кечаси бола чидаб бўлмас азобдан чиқириб йиғлай бошлади. Индинига— 9 январь куни ўғлимни яна район поликлиникасига олиб бордим. Врачимиз кўриб, қўрқиб кетди. Дарҳол область кўз касалхонасига олиб боринглар, деб йўллама ёзиб берди. Область кўз клиникасидаги врачлар одам экан! Болани кўрган заҳоти унинг кўзи ичида темир учқуни борлигини, кўз қорачиғи бутунлай йиринглаб кетганини айтиб, дарҳол операцияга тайёрлашди. Лекин боланинг кўзини сақлаб қолиш мушкуллигини, вазият оғирлашиб кетганини, касални кечиктириб олиб келганимизни ачиниб эътироф этишди. Ҳали боламнинг аҳволи нима бўлишини билмайман. Азоб чекаётган боласининг бошн устида эзилиб ўтирган онанинг аҳволини тушунсангиз керак. Наҳотки, янги ТошМИдаги ўша лоқайд хотин, эски ТошМИдаги ўша бағри тош қора кийи болани бир зум кўришдан эрнишган бўлса? Наҳотки рентген қилиб кўриш, ўз вақтида ёрдам беришни шунчалик хоҳламаган бўлса? Мана, мен бу хатни 9 январь куни ниятмада алаҳлаб ётган ўғлимнинг тепасида ўтириб, йиғлаб ёзаяпман. Афсуски, мен янги ТошМИдаги навбатчи врачнинг, эски ТошМИдаги ўша қора врачнинг фамилиясини ҳам, исмини ҳам билмайман. Фақат уларни бир жиҳатдан биламан: уларда одамгарчилик йўқ экан. Мен уларни ҳар қандай вазиятда танийман. Ҳаммасининг башараси шундоқ кўз ўнгимда турибди. Карима Лутфуллаева, Тошкент район, Собир Раҳимов колхози, Собир Раҳимов кўчаси, 7-тупик, 12-уй».

Албатта, 7 январь куни янги ва эски ТошМИ кўз клиникасида навбатчилик қилган врачларнинг номини билиш қийин эмас. Шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси қоларса, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги бу иш билан шуғулланса, уларни дарҳол топади. Қоларса, эски ТошМИнинг кўз клиникасида бемор бола регистрациядан ўтказилган. Ўйлайманки, тегишли ташкилотлар бу иш билан жиддий шуғулланади.

Мабодо бундай воқеалар тасодифан, онда-сонда рўй бериб турса, гапни давом эттирмаслик ҳам мумкин эди. Афсуски, бунақа воқеалар бир марта бўлаётгани йўқ. Аслида-ку, врачлар орасида лоқайди ёки таъмагири деймизми, порахўри деймизми ёки нопоки деймизми, қандайи бўлмасин, битта бўлса ҳам кўп. Яна қайтараман, минг афсуски, улар битта эмас!

Ўзим гувоҳи бўлган бир воқеа: ўтган йили 9 март куни тишим оғриб қолди. Бу куни эслаб қолганимнинг сабаби шундаки, воқеа 8 мартнинг эртасига бўлган эди. Шаҳар поликлиникаларидан бирига кирдим. Хонада учта кресло бор эди. Иккитасида аёл, биттасида эркак врач ишларди. Менинг тишимни давлаштираётган врач хотин бор овози билан аллакимни сўкарди.

— Ярамаслар! Своличлар! 7 мартга йигирматасини ёзиб қўйган эдим. Биттаси ҳам кўринмади. Падаркадан қочган-да! Бир чол келди. Тишини кўрганимдан кейин қўлимга қоғозга ўроғлиқ бир нима бериб кетди. Французский атир деб суюнувдим, қарасам бир пачка индийский чой экан.

Мен ҳайрон бўлиб ўтирардим. Бу нима, тамагирликми, тиланчиликми? Йўқ, бу— бориб турган порахўрлик. Бу— бировнинг бахтсизлигидан фойдаланиш. Бировнинг азасида рақс тушиш. Назаримда аёлнинг қўли харомдек, оғзим харом бўлиб кетгандек туюлди-ю, ноилож эдим. У врач, мен эса бемор эдим.

Яна бир воқеа. Яқинда хонамизга бир лаборант аёл келди.

— Касалхонадан чиққанимга икки ҳафта бўлди. Мени операция қилган врачлардан миннатдорман. Шулар ҳақида икки оғиз гапирин сўз ёзиб берсангиз.

Мен беморни операция қилиш врачнинг вазифаси эканлигини, ҳар ким ўз вазифасини бажаргани учун мақталаверишни шарт эмаслигини айтдим.

— Йўқ,— деди жувон тушунтириб,— поликлиникамиздаги врачлар бошқача одам-да! Ўша куни бикиним қаттиқ оғриганидан қўшним суяб поликлиникага олиб чиқди. Аввалига номер йўқ дейишди. Кейин, ялинib-ёлворib докторга кирдим. Врач бўлса мени кўрар-кўрмас ишдан қочиб ёлғончилик қилясиз, бораверинг деб, ҳайдаб юборди. Ярим кечада бикиним шу қадар оғрий бошладики. «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилишди. Ҳадеганда келавермаганидан кейин, опламнинг ўзи бориб машина олиб келди. Касалхонага борганимда кўричагим ёрилиб кетай деб турган экан. Хирурглар ҳаётимни сақлаб қолишди.

Ғалати манзара. Мабодо хирурглар операция қилишга улгурмаса, ёш аёл жувонмарг бўлиб кетаверса, ўша поликлиникадаги врач жавобгар бўлармиди? Билмадим, ҳар қалай ўша лоқайд врачни ҳам оқловчи «далиллар» топилиб қоларди.

Яна бир воқеа. Таниқли актёрлардан бири билан яқинмиз. Ўтган йили шу актёр бир воқеани айтиб берди. Акасининг буйраги касал экан. Операция қиладиган бўлишибди. Танишим ўша воқеани айтганида ғазабдан овози титраб кетди.

— Акамни сешанба куни операция қиламиз, дейишади-да, жумага кўчиришади. Жума куни сешанбага кўчиришади. Сешанба куни яна жумага кўчиришади. Акам билан палатада яна уч киши ётар экан. Бир куни учовлари акамни ўртага олишибди. «Қанақа нокастсан, ўзи! Сени деб бизнинг операция ҳам чўзилиб кетяпти. 200 сўмни чўзмайсанми, биз аллақачон тўлаб қўйганмиз», дейишибди. Акам уйдагилардан сўрашга уялиб, мендан пул келтириб беришни илтимос қилди. Ўша ҳафтадаёқ акамни операция қилишди.

Ниҳоят, яна бир воқеа. Бир даврада қассоб йигит билан ёнма-ён ўтириб қолдим. У ўзининг тоби йўқлигидан шикоят қилди.

— Поликлиникага чиқинг, ўзингизга қаранг, — дедим бунақа пайтда айтиладиган одатдаги маслаҳатни такрорлаб.

— Поликлиникада бизни безорарда ҳеч ким ишлаётгани йўқ. Ҳаммаси кетган.

Физкультура ва спорт

• Баскетбол

ҲУЖУМКОРЛИК САМАРАСИ

Шаҳримизнинг «Университет» командаси баскетболчилари мамлакат чемпионатининг иккинчи даврасида муваффақиятли старт олишди. Улар ўз майдонда Москванинг «Динамо» коллективини мағлуб этишгач, чемпионатда биринчи маротаба сафар матчида галаба нашидасини суришди. Новосибирскда маҳаллий «Локомотив» командаси билан ўтказилган учрашувда 80:78 ҳисоби қайд қилинди.

Навбатдаги турда эса баскетболчиларимиз Минск радиотехника институти спортчилари билан майдонга тушди. Гарчи мезбонлар кўпгина кучли командалар устидан ғалаба қозонаётган бўлсада, бу сафарги ўйин олдидан қайси команданинг ғолиб чиқиши ҳақида ҳаттo тахминий фикр билдириш ҳам қийин эди. Чунки бу соҳада меҳмонлар ҳам ўзига хос кўрсаткичларга эга, улар чемпионат пешқадами Москва армиячилари устидан 12 очко фарқ билан ғолиб чиқишганди.

«Университет» бу сафарги учрашувни бир оз ўзгарган составда бошлади. Майдонга тажрибали Филюшкин, Авдеев, Сухарев, Семинлар билан биргаликда ёш ўйинчи Майстренко ҳам тушди. Командада яна етакчи ўйинчилардан бири Бузляков ўйнамади. Шундай бўлса ҳам мезбонлар учрашувни дадил бошлашди ва биринчи бўлиб ҳисобни очишди. Иккинчи минутда ҳамшаҳарларимиз 6:2 ҳисобида олдинга чиқиб олишди. Бир нечта муваффақиятли комбинациялардан кейин меҳмонлар шошиб қолдилар. Натижада учрашувнинг олтинчи минутига келиб мезбонлар устунликни 10 очкога етказдилар. Ўрни келганда «Университет» ўйинчиларининг ҳаракатларида кўзга ташланаётган бир камчиликни айтиб ўтиш керак. Улар ҳужумга берилиб, ҳанчалик кўп очко жамғараётган бўлса тўп учун курашда рақиб ўйинчиларига қарши қўполлик қилиб дастлабки минутларданоқ учрашув ҳакамидан шунча кўп огоҳлантириш олмоқдалар. Бу ҳол Москванинг «Динамо» коллективи билан ўтказилган учрашувда ҳам кўзга ташланганди. Айниқса Сухарев, Филюшкин, Жармуҳамедов каби ҳужумкор ўйинчиларнинг бундай ўйин кўрсатишлари учрашув охирига келиб командани қийин аҳволга солиб қўйяпти.

Худди шу огоҳлантириш олишлардан кейин мезбонларнинг ҳужуми сусайиб кетди, кетма-кет хаталарга йўл қўйилди. Бундан фойдаланган меҳмонлар ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Команданинг тажрибали ўйинчиларидан Якубенко, Парфианович, Гузик, Попков, Пустогвар, Шереверялар халқани аниқ нишонга ола бошладилар ва ўн учинчи минутга келиб ҳисоб тенглашди — 27:27. Ҳатто меҳмонлар олдинга чиқиб олишди. Лекин улар бу устунликни сақлаб қолишолмади. Биринчи бўлим 39:36 ҳисобида тугади.

Тренерлардан бир қанча қатъий кўрсатмалар олган баскетболчиларимиз иккинчи бўлимни ҳам бирмунча тезкорлик билан бошладилар. Бу бўлимда ўзининг самарали ҳужумлари билан мухлислар олқишига сазовор бўлаётган Авдеев жуда чаққонлик билан ва аниқ ўйнади. У командадошлари уюштираётган комбинацияларни охирига етказишни ўз зиммасига олди ва бунга муваффақиятли уддалади. Минсклик студентлар Филюшкин ва Сухаревлар ўйинни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум бўлишганидан кейин ҳужумга зўр бердилар ва орадаги очколар фарқини камайтира бордилар. Лекин ҳанчалик ҳаракат қилмасин коллектив мағлубият аламидан қочиб қутулмади. Якуний ҳисоб — 85:78. Командамиз жамғармасига Филюшкин 19, Жармуҳамедов 12, Сухарев 11, Авдеев эса энг кўп — 32 очко келтирди.

Д. ҲОЛМИРЗАЕВ.

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

• ЭНГ ЯХШИ МУОЛАЖА

САФ КЕНГАЯДИ

«Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти область Совети ҳузурида бир неча йилдан буён ҳаваскор югурувчилар клуби ишлаб турибди. Унинг сафига жуда кўп кишилар уюшган. Олиб борилаётган машғулотлар клуб аъзоларининг саломатлигини тиклаш, баъзи бир касалликлардан форғ қилиш манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган йилдаги ишлар ва бу йил амалга оширадиган тадбирлар ҳақида клубнинг раиси Ю. Лимов мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Шуни қувонч билан айтиш керакки, ҳаваскор югурувчиларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бунга кишиларнинг имкониятлари ва саломатликларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинаётган мусобақалар сабаб бўляпти.

Ўтган йили тошкентлик ҳаваскор югурувчилар клубининг фаолиятида бир неча ўзгаришлар бўлди. Клуб аъзолари биринчи марта Бутуниттифоқ мусобақаларида иштирок этишди. Жумладан, улар Череповец шаҳрида учувчи-космонавт Беляев хотирасига бағишлаб ўтказилган. Калининград шаҳрида космик кемаларнинг конструктори, академик С. П. Королев хотирасига бағишлаб ўтказилган югуриш мусобақаларида иштирок этишди. Калининграддаги пойга ниҳоятда қизиқарли бўлди. Беллашувларни «Муравей» ҳаваскор югурувчилар клуби «Вимпел» спорт клуби билан ҳамкорликда ташкил этди. Дастлаб 10 километр, кейин 20 километр масофага югуриш ўтказилди. Сўнг ҳаваскор югурувчилар 42 километру 195 метр масофага ўтказилган пойгада иштирок этишди. С. П. Королев хотирасига бағишлаб ўтказилган бу пойгаларда жами 611 киши қатнашди. Улар мамлакатимизнинг 72 шаҳридан келган эди. Узоқ масофага ўтказилган пойгада тошкентликлардан икки киши иштирок этди. Улардан бири республика қурилиш банкининг бош бухгалтери В. И. Подкользин эди. 64 ёшга тўлган бу ҳаваскор югурувчи 20 километр масофани бир соат 41 минут 32 секундда босиб ўтди. Шуниси қизиқки, 10 километр масофага ўтказилган беллашувларда қатнашганларнинг энг кексаси 83 ёшда эди. Аёллар ўртасида ана шу масофага ўтказилган энг кекса қатнашчининг ёши 77 да эди. Бу беллашувларда кексалар билан бирга 7 ва 10 ёшли болалар ва қизлар ҳам иштирок этишди. Баҳслар ниҳоясига етганидан кейин, стадионда В. Подкользин сўзга чиқиб, Тошкент шаҳрининг аҳолиси ва ҳаваскор югурувчилар клубининг аъзолари номидан калининградликларга алангали салом топширди.

Калининград шаҳрида ўтказилган пойгалардан кўзда тутилган асосий мақсад узоқ масофага мусобақалар ташкил қилишни оммалаштириш ва ана шу масофани босиб ўтиш бўйича разрядли спортчилар тайёрлаш эди.

Биз ҳам бу йил ана шу масофага пойгалар ўтказиш бўйича разрядли спортчилар тайёрлашга аҳд қилдик. Шунинг учун ҳам бир неча марта узоқ масофага югуриш мусобақалари ўтказишни планлаштириб қўйдик. Уларнинг орасида энг асосийси 42 километр 195 метр масофага ўтказилган пойга бўлади. Бу пойга шу йилнинг 4 октябрида ташкил этилади. Югуриш мусобақаларида саломатлиги яхши бўлган иштиёқмандларнинг ҳаммаси иштирок этиши мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, мусобақада 30 километрлик масофага югурувчилар ҳам қатнашиши мумкин. 30 ва 42 километр 195 метр масофага ўтказилган югуриш қатнашчиларининг вақти судьялар томонидан ҳисобга олиб борилади. Масофани тез босиб ўтганларга спорт разрядлари берилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, учинчи разряд нормативини бажариш учун масофани тўла босиб ўтишнинг ўзи кифоя. Унда вақт ҳисобга олинмайди. Иштирокчилар давомлаш, физкультураси диспансеридан справка олган бўлишлари керак.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллиги кунида биринчи марта 100 километр масофага югуриш бўйича Бутуниттифоқ мусобақасини ташкил этамиз. Бундай масофага югуриш кўп йилларданбуён чет эл мамлакатларида тажриба қилиб келинмоқда. Баҳсларда аёлларнинг ҳам қатнашаётганликлари диққатга сазовордир. Йўлаймизки, орадан бир неча йил ўтгандан кейин бу Бутуниттифоқ мусобақаси оммавийлик касб этади. Унда мамлакатимиздаги жуда кўп шаҳарлардаги ҳаваскор югурувчилар клубларининг аъзолари қатнашадилар.

Қисқа ва узоқ масофаларга ўтказилаётган бир кунлик ва кўп йиллик мусобақалар тошкентлик ҳаваскор югурувчиларга энг узоқ масофаларга ўтказиладиган пойгаларга пухта тайёргарлик кўриш учун манба бўлиб хизмат қилади. Дастлабки югуриш мусобақалари 18—20 апрель кунлари Владимир Ильич Ленин туғилган кунни нишонлаш учун ўтказилади. Ҳаваскор югурувчилар Тошкент — Самарқанд — Шеробод — Душанбе маршрутлари бўйлаб ўтадилар.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаваскор югурувчилар клуби тобора такомиллашиб бормоқда. Ишончимиз юмилки, бу йил ҳаваскор югурувчиларнинг сафи янада кенгаяди.

Ҳар тўғрида

ДУНЁ БЎЙЛАБ САЁҲАТ

Бизнинг кунимизда ҳам велосипедда дунё бўйлаб саёҳат қилувчи ишқибозлар сони жуда кўплаб топилади. Бу нарса механизация тобора такомиллашиб бораётган асримизда ҳам велосипед спорти ўз мавқеини йўқотмаётганлигини, унинг ишқибозлари тобора ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Бундан беш йил муқаддам японялик Митишиори Сато велосипедда ўз туғилган шаҳри Осакадан дунё бўйлаб саёҳатга чиқди. У денгиз билан қопланган жойларни теплоход ва паромда босиб ўтади. Қуруқликда эса фақат педалли транспортдан ўзгасини тан олмайди. Ўтган йили Сато Конго Халқ Республикасининг пойтахти Бразавилда қисқа муддатли дам олди. Шундан сўнг эса планетанинг ҳали босиб ўтилмаган ерлари бўйлаб яна йўлини давом эттирди.

Қизиқ, Митишиори Сато билан фин Мауно Вилккинен бир-бирлари билан саёҳат давомида учрашганликлар? Бу ҳозирча номаълум. Чунки, Вилккинен ҳам бундан саккиз йил муқаддам велосипедда ер шари бўйлаб саёҳатга чиққан эди. Шундан бери у жаҳондаги 60 мамлакатда бўлиб 75 минг километр масофани босиб ўтди. Ўтган йили Вилккинен Австралияда қисқа муддатли дам олди. Шунда 69 ёшли бу спортчи журналистларга ҳали чарчамаганлигини, ўзини яхши ҳис этаётганлигини билдирди.

АНТИҚА САФАР

Андреас Ролни веналиклар яхши билишади. Чунки у бир ўзи очиқ ҳавода саёҳат қилишни яхши кўради. Агар у ҳоҳлаб қолса шу дамнинг ўзидаёқ шаҳар ташқарисига отланади. Қизиғи шундаки, Рол барча одамлар қатори ерда пиёда кезмайди. Ердан 20—25 километр баландликда бўлган очиқ ҳавода саёҳат қилади. Чунки, Рол орқасига пластмассали қопчани боғлаб олади. Қопча эса газ билан тўлдирилган бўлиб, унинг қуввати Андреасни бемалол кўтариб юришга етади. Хўш, нима сабабдан Рол бундай саёҳатга ишқибоз бўлиб қолган? Бу билан у бирор бир янгилик кашф этмоқчими? Йўқ. Рол ёшлигидан бошлабоқ ёлғиз Сахар қуруқлигини айланиб чиқишни орзу қилган эди. У ўз орзусига эришиш мақсадида газли қопчасини тез-тез синовдан ўтказиб туради.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТАНИШИНГ— РЕСПУБЛИКА ПОЙАФЗАЛ МОДЕЛЛАРИ УЙИ ЯНГИЛИКЛАРИ!

19 январдан — 23 январгача

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ

4-МАГАЗИНИДА

ҚИШДА КИЙИЛАДИГАН ЭНГ МОДАДАГИ ПОЙАФЗАЛЛАР МОДЕЛЛАРИНИНГ ТАЖРИБА САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

ТАЖРИБА САВДОСИ — БУ ЯНГИ МОДЕЛДАГИ ПОЙАФЗАЛЛАРНИ ОЗ СЕРИЯДА (50 жуфтдан ортиқ бўлган) СОТИШ ДЕМАКДИР.

Бу тажриба аҳолининг бу пойафзал моделларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш мақсадида ўтказилмоқда.

Савдода бўлган бу пойафзаллар 1981 йилда республика пойафзал фабрикалари томонидан ишлаб чиқарилади.

Агарда Сиз тажриба сериясидаги пойафзални сотиб олсангиз, ҳисобланки Сиз янги модадаги пойафзалда қадам ташлаясиз.

Ўйлаймизки, сотиб олган пойафзалингиз дидингизга мос тушади ва дўстларингиз, яқинларингизнинг ҳам таҳсинига сазовор бўлади.

ПОЙАФЗАЛ — 81! У ҚАНДАЙ? УНИНГ СТИЛИ ҚАНАҚА? СИЛУЭТИЧИ? ПОШНАСИНИНГ БАЛАНД-ПАСТЛИГИ ВА ФОРМАСИ, МАТЕРИАЛЛАРИ, МОДАЛИ ДЕТАЛЛАРИ-ЧИ?

Бу ва шунга ўхшаш Сизни қизиқтирган барча саволларга малакали модельерлар ва мутахассислар фақат жавоб беришгина қолмай, айни бир вақтда Сизнинг таклиф-истакларингизга ҳам қулоқ солишади. Бу таклиф-мулоҳазалар кейинчалик республика пойафзалчилари ишида ҳисобга олинади.

МУҲОКАМАГА АЁЛЛАР ВА ЭРКАКЛАРНИНГ 5 ТА ЯНГИ МОДЕЛДАГИ ПОЙАФЗАЛЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ.

4-магазин адреси: Тошкент шаҳри, Маҳсидўзлик кўчаси (1, 4, 6, 14, 21, 18-троллейбусларнинг «Калинин майдони» бекати).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИК БЮРОСИ.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21, 22 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ДИЛБАР ФАЁЗОВА.

Солистлар: Нурриддин ҲАЙДАРОВ, Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Дилором ҚАЮМОВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Нарзиддин ШЕРМАТОВ, Абдурашид МУСТАФОҚУЛОВ.

Сатира, юмор ва интермедиялар ижрочиси АБДУФАТТОҲ САЙДОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ҚОДИР МЎМИНОВ.

Музика раҳбари — ИСМАТУЛЛА РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Программани — ЎТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/I да Кўрмайин босдим тиконни, 21/I да Қизил ялловдаги кўк тулпорлар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/I да Олифта, 21/I да Олтин намар.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 21/I дан бошлаб янги программа. «БЕНГАЛ ЙЎЛБАРСЛАРИ» аттракционининг гастролларн. (19.30).

КИНО

20 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«АЛЕКСАНДР ПРОКОФЬЕВ», «ЮРИЙ СМОЛИЧ», «БЕДОРЛИК ҲАҚИДА ҲИКОЯ» — Қозоғистон.

«1940 ЙИЛ ИЮНЬ ОЙИ» — Дружба.

«ОКТЯБРЬ БИЛАН ТУҒИЛГАН» — Фестиваль.

«ПРОХОДКАЧИЛАР» — Тошкент Советининг 50 йиллиги ном. лн.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАСУР ГУСАРЛАР ЭСКАДРОНИ» — Санъат саройи (катта зал, 19.30; кичик зал, 18.00, телефон 44-39-51), Чайка (18, 21.00, телефон 77-06-20), Нукус (17.15, 20.30, телефон 46-70-69), Восток (18.30, 21.00, телефон 91-14-61).

«ОйлАВИЙ ДАВРА» Искра (18, 19.45, телефон 39-14-59).

«КЕЧИККАН УЧРАШУВЛАР» — ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ПЕТРОВКА КЎЧАСИ, 38-УЙ», «ОГАРЕВ КЎЧАСИ, 6-УЙ» — Лисунов номли (17, 20.00, телефон 96-34-02).

«МАХСУС ТОПШИРИҚ ОЛГАН ПОЕЗД» — Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

21 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«АЛЕКСАНДР ПРОКОФЬЕВ», «ЮРИЙ СМОЛИЧ», «БЕДОРЛИК ҲАҚИДА ҲИКОЯ» — Қозоғистон.

«ОКТЯБРЬ БИЛАН ТУҒИЛГАН» — Фестиваль.

«ПРОХОДКАЧИЛАР» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАСУР ГУСАРЛАР ЭСКАДРОНИ» — Санъат саройи (катта зал, 10, 12.30, 16, 19.30; кичик зал, 11, 14.30, 18.00, телефон 44-39-51), Чайка (11, 14.30, 18, 21.00, телефон 77-06-20), Нукус (11, 14, 17.15, 20.30, телефон 46-70-69), Восток (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 91-14-61).

«КЕЧИККАН УЧРАШУВЛАР» — ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ПЕТРОВКА КЎЧАСИ, 38-УЙ», «ОГАРЕВ КЎЧАСИ, 6-УЙ» — Лисунов номли (11, 14, 17, 20.00, телефон 96-34-02).

«МАХСУС ТОПШИРИҚ ОЛГАН ПОЕЗД» — Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ОЙЛАВИЙ ДАВРА» — Искра (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

САМОЛЁТДА ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БЎЙИЧА

ТУРИСТИК САЁҲАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

АЛУШТАГА— 19 февралдан 11 мартгача 20 кунга. Путёвка баҳоси 272 сўм.

ВИЛЬНЮС—ПАЛАНГА — 29 январдан 7 февралгача 10 кунга. Путёвка баҳоси 230 сўм.

ПАЛАНГА— ШЯУЛЯЙ — 28 январдан 11 февралгача 15 кунга. Путёвка баҳоси 286 сўм.

ЛЕНИНГРАД— РЕПИНО — 2 февралдан 11 февралгача, 4 мартдан 13 мартгача. 10 кунга. Путёвка баҳоси 214 сўм.

НОВИЙ АФОНГА— 3 февралдан 22 февралгача, 23 февралдан 14 мартгача, 15 мартдан 3 апрелгача 20 кунга. Путёвка баҳоси 234 сўм (ёз), 194 сўм (қиш).

КРАСНОДАР— СОЧИ —27 январдан 16 февралгача, 28 февралдан 20 мартгача, 20 кунга. Путёвка баҳоси 275 сўм.

ТРАКАЙ—ТАУРАГА—ПАЛАНГА—5 февралдан 22 февралгача 15 кунга. Путёвка баҳоси 316 сўм (ёз), 280 сўм (қиш).

КАУНАС—ЛЕНИНГРАД —16 февралдан 1 мартгача, 30 мартдан 12 апрелгача 14 кунга. Путевка баҳоси 288 сўм.

РИГА— ЛЕНИНГРАД— 4 февралдан 13 февралгача 10 кунга. Путёвка баҳоси 230 сўм; 1 мартдан 20 мартгача 20 кунга.

ВИЗУ—ЛЕНИНГРАД— 3 февралдан 13 февралгача, 17 мартдан 27 мартгача.

АДЛЕРГА — 12 мартдан 3 апрелгача 20 кунга. Путёвка баҳоси 247 сўм.

ЯЛТАГА— 30 мартдан 18 апрелгача 20 кунга. Путёвка баҳоси 295 сўм.

ВИЛЬНЮС— РИГА— ТАЛЛИН— 26 мартдан 9 апрелгача, 15 кунга. Путёвка баҳоси 352 сўм (ёз), 306 сўм (қиш).

ЛЕНИНГРАД —ВИЛЬНЮС — 22 февралдан 4 мартгача 14 кунга. Путёвка баҳоси 292 сўм (ёз), 240 сўм (қиш).

МОСКВАГА (Олимпиада жойлари бўйлаб) —17 январдан 28 январгача, 31 январдан 9 февралгача 12 кунга. Путёвка баҳоси 140 сўм.

КИЕВГА— 11 мартдан 20 мартгача 10 кунга. Путёвка баҳоси 210 сўм (қиш), 258 сўм (ёз).

ТЕПЛОХОДДА САЁҲАТ ҚИЛИШНИ ХОХЛОВЧИЛАРНИ ҚОРА ДЕНГИЗДА «БАШКИРИЯ» ҚОМФОРТАБЕЛЛИ ТЕПЛОХОДИДА САЁҲАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

Теплоход ОДЕССА—ЯЛТА—СОЧИ, Болгария Халқ Республикаси ва Руминия Социалистик Республикасига кириб ўтади.

«БАШКИРИЯ» теплоходида 16 февралдан 2 мартгача, 30 мартдан 13 апрелгача қизиқарли саёҳат қилиш мумкин. Путёвка баҳоси 475 сўмдан 570 сўмгача.

Теплоходда туристларнинг яхши дам олишлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Кино зал, бар, музика салони, ресторан, кутубхона туристлар хизматида.

Путёвка қийматига самолётда бориш-келиш ҳақи, овқатланиш, яшаш ва Совет Иттифоқининг барча шаҳарларидаги экскурсия хизмати киради.

Мурожаат учун адрес: 700078, Тошкент шаҳри — 78, Парадлар хиёбони, 5-уй. Телефон 39-13-59.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

20 ЯНВАРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

18.30 «Сиз яратган боғ». 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН. Грузия ССР телевидениесининг программаси: «Грузия. Ер ва одамлар». Ҳужжатли фильм. Санъат усталарининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» (Горький) — «Спартак» (Москва). Горький шаҳридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.10) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевиденининг тўртинчи программаси.

22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» (Горький шаҳри) — «Спартак» (Москва). Горький шаҳридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.05) — «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.50 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Дастлабки пионер гулханларининг алангаси» (рус.). 18.50 «Миллионлар ленинча университети». «СССР Конституцияси — коммунизм қурилиши даврининг манифести». 19.10 «Врач маслаҳати». (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Кимнодаги йигитлар». Телефильм. 20.00 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ер кезганда». М. Ойнақулова, Л. Оқилова, Ф. Ибодуллаев иштирокида лирик концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Маҳаллий ўғитлар — ҳосилнинг асоси». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.25 «Ленин ҳақида ҳикоялар». Бадиий фильм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Эстетика асослари. «Санъат турлари. Музика» (рус.). 21.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 22.00 «Партия қарорининг ҳаётий сатрлари» (рус.). 22.30 «Николай Бауман». Бадиий фильм (рус.).

21 ЯНВАРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9. 40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Сизга маъзур шеърлар». 10.35 «Очилган қўриқ». Бадиий фильм. 2-серия. 12.10 Н. Римский-Корсаков. Русча мавзуларга ёзилган увертюра. 12.20 «Леннаучфильм» студияси ҳужжатли фильмлари программаси. 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Константин Петрович Иванов ҳақида қисса». «Даврларга тобе эмас». Шушенскоедаги мемориал музейи ҳақида. 16.15 Л. Бетховен. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун 9-соната («Крейцерова»). 16.55 «Горничлар, қаердасиз!». 17.25 «Бирга ликда аҳил оиламиз». 17.50 Баскетбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. Эрканлар. «Жальгирис» (Каунас) — «Цибона» (Загреб, Югославия). 2-тайм. Каунасдан олиб кўрсатилади. 18.30 «Фан оламида». Ўзбекистон ССР Фанлар академияси. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 СССР халқ артисти К. Птица раҳбарлигидаги Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси Катта академик хори ижросида революцион қўшиқлар. 19.50 «Ленин Октябрда». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси Катта симфоник оркестрининг концерти. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Киноилова: «Сирли ҳатлар», «Кумуш карнайлар».

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Махсус нисбийлик назарияси асослари». Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Ҳамдўстлик». Телефильм. 12.30 «Махсус нисбийлик назарияси асослари». Физикадан ўқув кўрсатуви (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қария». Мультфильм. 18.30 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида». 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Замонам менинг». Концерт. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ленин партия, Ватан ҳақида қўшиқлар. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.35 Эрканлар командалари ўртасида баскетбол бўйича СССР чемпионати. Олий лига. «Университет» (Тошкент) — АСК (Киев). «Ёшлик» спорт аренасидан репортаж (ёзиб олинган). 23.10 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Эстетика асослари. «Архитектура». 21.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 22.00 «Володя Ульянов». Й. Охунбобоев номли Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-текшириш институти коллективи вакцина бўлими бошлиғи, медицина фанлари кандидати А. З. Обидовга қизи

Азиза РАҲМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Марказий универмаги коллективи универмагнинг кекса ходими

Тожи ҒОЙИПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

4 бет Тошкент оқшоми

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, маданиёт ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-58-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

20 ЯНВАРЬ, 1981 й. Р. 07025. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр В—2028.